# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистоннинг миллий байрами нишонланаётган кунларда Италия халқи ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон халқига минтақада тинчлик ва барқарорлик шароитида гуллаб-яшнаётган истиқбол ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги ажойиб дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг тобора мустаҳкамланиб, ривожланиб боришини тилаб билдирган ғоят қизғин ва самимий истакларимни йўллашни хоҳлар эдим.

Самимий учрашувларимизни илиқ хотира билан эслаб, тез орада Римда бўладиган мулоқотимизни кутган ҳолда Сиз, Жаноби Олийларининг омонлигингизни тилаб дуолар қилиб қоламан.

**Оскар Луижи СКАЛЬФАРО,**
**Италия Республикаси Президенти**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Президент Жаноблари,

Мамлакатингизнинг Миллий куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Греция халқи ва шахсан ўз номимдан қизғин қутловлар йўллашни истардим.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга шахсий бахт-саодат, шунингдек Ўзбекистон халқига омонлик ва равнақ тилаб, самимий истакларимни изҳор этаман.

**Константинос СТЕФАНОПУЛОС,**
**Греция Республикаси Президенти**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ўзбекистоннинг Миллий куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўз қутловларимни ва Ўзбекистон халқига омонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

**БЕАТРИКС,**
**Нидерландия Қироличаси**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент,

Азиз қардошим,

Дўст ва қардош Ўзбекистон Мустақилликка эришганининг етти йиллиги муносабати билан Сиз зоти олийларини ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқини самимий қутлайман.

Ўтган етти йиллик муддат давомида Ўзбекистон жуда катта муваффақиятларни қўлга киритди. Бу қисқа вақт ичида ўлкангиз ҳар соҳада эришган муваффақиятини ва Сизнинг йўлбошчилигингизда ривожланиш йўлида қилган интилишларини кўриб, буюк мамнуният ҳис этмоқдаман.

Келгусида давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ва ҳамкорлик имкониятларининг янада ўсишига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз зоти олийларига ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқига бахт ва соғлиқ тилаб, чуқур ҳурмат ва эҳтиромларимни йўллайман.

**Сулаймон ДЕМИРЭЛ,**
**Туркия Жумҳурияти Президенти**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноб Олийлари,

Миллий байрам, 1 сентябрь — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни самимий муборакбод этаман.

Яқинда, мамлакатимизга расмий ташрифингиз чоғида биз ўтказган учрашув ва суҳбатлардан мамнун бўлганлигимни яна бир бор изҳор қилишни истардим.

Ишончим комилки, Болгария Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги анъанавий яхши муносабатлар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам ривожланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, фурсатдан фойдаланиб, сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

**Петар СТОЯНОВ,**
**Болгария Республикаси Президенти**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни муносабати билан Сизга барча канадаликларнинг эзгу истакларини йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Сизнинг мамлакатингиз Мустақилликни қўлга киритган пайтдан буён ўтган атиги етти йил ичида катта тараққиётга эришди. Ишончим комилки, мавжуд қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистондаислоҳотларни давом эттириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бундан буён ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сиёсий алоқаларни кучайтириш имкониятларини яратаверади.

Сизга ва Ўзбекистон халқига келгуси йилда тинчлик ва равнақ тилайман.

**Ромео ЛЕБЛАН,**
**Канада генерал-губернатори**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

# Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

ни ўрнатсин, бунда шаҳарнинг энг серқатнов участкаларида, шу жумладан айланма йўлда жойлашган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларининг бутун сутка давомида ишлашини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, "Ўздавнефтмаҳсулот" бирлашмаси автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларининг нефть маҳсулотлари сотишдан олинган ҳар кунги тушумининг ўз вақтида инкассация қилинишини таъминласинлар, бунда хизмат ходимларининг тунги вақтдаги хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси нефть маҳсулотларининг ўғирланиш йўлларини, уларнинг божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилиши ҳолларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича мунтазам равишда қўшма текширишлар ўтказсинлар, нефть маҳсулотларини сотиш борасида ноқонуний фаолият билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишга доир қаттиқ чоралар кўрсинлар.

Автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларини ва уларга туташ ҳудудларни ҳамда уй-жой иморатларини ёнғиндан муҳофаза қилишнинг аҳволи устидан умумий назорат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз" корпорацияси қонун ҳужжатларига нефть маҳсулотларини сотишга лицензия бериш ва уларни сотиш қоидаларини бузганлик учун жазони кучайтириш бўйича ўзгартиришлар киритиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар тайёрласинлар.

7. Бош вазир Ў.Султонов 3 кун муддатда махсус аттестация комиссияси таркиби бўйича таклифлар киритсин ва бир ой муддатда:

"Ўздавнефтмаҳсулот" бирлашмаси марказий аппарати раҳбар ходимларини, нефть маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар корхоналари ва нефть базалари раҳбарларини, шунингдек автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари раҳбарлари ва мутахассисларини навбатдан ташқари аттестациядан ўтказсин;

аҳолини нефть маҳсулотлари билан таъминлашда йўл қўйилган қоида бузишлар ва суиистеъмолчиликлар учун қонунчиликка мувофиқ жиноий иш қўзғаш мақсадида материалларни прокуратура органларига беришгача бўлган қаттиқ жавобгарлик чораларини кўрсин;

Тошкент шаҳрининг нефть маҳсулотларини хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларига шартнома асосида сотиш бўйича тажрибасини республиканинг бошқа минтақаларига ёйсин.

8. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 июндаги 290-сон қарорининг 5,6,7-бандлари; ушбу қарор билан тасдиқланган хусусийлаштирилган хусусий автоёнилғи қуйиш шохобчаларининг ишлаш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низом 2-бандининг биринчи хат боши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 10 июндаги 215-сон қарорининг 5,6-бандлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 20 мартдаги 107-сон қарорининг 4-банди.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 7 сентябрь





Юртимизнинг кўплаб шаҳарлари каби Навоий шаҳри ҳам катта қурилишлар майдонига айланмоқда.

Бу ерда қад кўтарган маданий-маиший иншоотлар, турар-жой бинолари шаҳарнинг кўркига-кўрк қўшмоқда. Шунингдек, байрам шодиёналари арафасида вилоят ҳудудий марказий банки, деҳқон бозори, вилоят прокуратураси каби бир қатор бинолар ишга туширилди.

**СУРАТЛАРДА: Марказий банк ташқи ва ички кўринишлари; «Оби-нон» мини-заводи; марказий деҳқон бозори.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**





*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

# Маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартиришга доир чора-тадбирлар комплекси тўғрисида

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

бюджетдан ташқари фондлар, корхоналарнинг хўжалик фаолиятидан ажратмалар) қатъий назар кераксиз, ортиқча, бир-бирига ўхшаш бошқарув тузилмаларини тугатишга асосий эътиборни қаратиш;

ушбу ишларни бажаришда ва таклифлар тайёрлашда маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сонини 1999 йил 1 январдан бошлаб умуман 20-25 фоизга қисқартириш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратиш;

шу йил 25 октябргача бўлган муддатда фаолият кўрсатаётган маъмурий-бошқарув тузилмаларини ўрганиш натижаларини умумлаштириш, қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши керак бўлган тузилмалар рўйхатини аниқлаш, шунингдек бошқарув ходимлари сонини қисқартириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва ушбу масала бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1999 йил учун давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишда маъмурий-бошқарув аппарати ходимларини қисқартиришдан бўшаб қолган маблағларни, ходимларни моддий рағбатлантириш махсус жамғармаларидаги ажратмаларни меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 15 фоизидан 25 фоизигача ошириш ҳисобига кўпайтиришга йўналтиришни назарда тутсин.

4. Вазирликлар ва идораларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари махсус жамғармаларга ажратмаларнинг белгиланган меъёрларидан келиб чиқиб энг фаол ишлаётган ходимларни рағбатлантириш учун берилган имкониятлардан тўлиқроқ фойдалансинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 7 сентябрь

СПОРТ

# "ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИНИ ОЛГАНИМДАН БАХТИЁРМАН"

***"Жар" спорт комплексида Ўзбекистон Президенти кубоги учун кураш бўйича биринчи халқаро мусобақа бўлди. Унда 28 мамлакатдан 40 нафар полвон иштирок этди.***

Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев мусобақани очаётиб, эндиликда кураш халқаро майдонга чиққанини таъкидлади. Бу эса мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига дадил қўшилаётганининг яна бир далилидир.

Ўзбекистон Президенти кубоги учун кураш бўйича биринчи халқаро мусобақа доирасида айни Тошкентда конгресс бўлиб ўтгани ва унда Кураш бўйича халқаро федерация ташкил этилгани диққатта сазовордир. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бу федерациянинг биринчи фахрий президенти этиб сайланди. Унинг мамлакатимизда спортни ривожлантиришдаги хизматлари давлатимиздан ташқарида ҳам эътироф этилган.

Конгрессда федерациянинг биринчи президенти ҳам тасдиқланди. "Камолот" республика ёшлар жамғармаси раисининг ўринбосари Комилжон Юсупов шу лавозимга тасдиқланди. Курашга спортнинг олимпия тури мақоми берилишига ҳаракат қилиш федерациянинг асосий вазифаларидан биридир.

Пировардида А.Азизхўжаев Ўзбекистон Президенти кубоги учун мусобақа анъанавий турнир бўлишини айтди.

Мусобақани очиш маросимида сўзга чиққан халқаро дзюдо федерацияси вице-президенти С.Хокендайкк президент кубоги учун теннис бўйича халқаро турнир ҳамда эркин ва юнонча-римча кураш бўйича халқаро мусобақа каби бу турнир ҳам мустақил Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги шоншуҳратини оширади, деб ишонч билдирди.

Минглаб тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари полвонларнинг бош соврин учун шиддатли курашини томоша қилиб, унутилмас ва ҳаяжонли дақиқаларни бошдан кечирдилар. Туркиялик спортчи Селим Татарўғлу кураш бўйича Ўзбекистон Президенти кубогини қўлга киритди.

— Дунёдаги энг кучли полвонлар иштирок этган бу мусобақанинг биринчи ғолиби бўлганимдан бахтлиман, - деди Селим Татарўғлу. — Бу мусобақа жуда яхши ташкил этилгани ва самимий меҳмондўстлик билангина эмас, ҳакамларнинг юксак малакаси ва холислиги билан ҳам ёдимизда сақланиб қолади.

Грузиялик полвон Давид Хахалишвили мусобақанинг кумуш совриндори бўлди. Унинг ватандоши Рамаз Чочишвили бронза медалга сазовор бўлди. Яна бир бронза медал эстониялик Индрек Бертельсонга берилди.

Мусобақани очиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

**(ЎзА).**

# ҚИШГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК ЗАРУР

***Тошкент шаҳри ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг Республика халқ хўжалиги тармоқларини 1998-1999 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёргарлик штабининг сайёр кенгаши бўлди. Кенгашни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, штаб раҳбари И. Жўрабеков бошқарди.***

Кенгашда вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар, шаҳар хизматлари раҳбарлари, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари ва пойтахт туманларининг ҳокимлари — куз-қиш даврида ишлашга бўлинмаларни тайёрлаш учун масъул бўлган кишилар иштирок этди.

Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари, Тошкент шаҳар коммунал-уй-жойлардан фойдаланиш бирлашмаси бош директори В. Дорохов кенгаш иштирокчиларига бу масъулиятли даврга тайёргарлик қандай бораётгани тўғрисида ахборот берди, вазирликлар ва туман ҳокимликларининг раҳбарлари штабга бу соҳадаги ишларнинг аҳволи ҳақида сўзлаб бердилар. Шаҳарни куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан катта иш қилингани таъкидланди. Корхоналар, уй-жойлар, шифохоналар, болалар муассасалари ва бошқа муассасаларининг кўпчилиги жорий таъмирланди.

Шу билан бирга, кенгашда ёғин-сочинли кунлар бошлангунига қадар яна кўп иш қилиш: қозонхоналарни ёқилғи билан ўз вақтида ва тўла таъминлаш, газ ва электр қуввати узлуксиз етказиб берилишини, транспорт тўхтовсиз ишлашини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Кенгашда уй-жойларни таъмирлаш, шунингдек рўзғор чиқитларини тўплаш учун майдончалар қуриш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган муаммоларни ҳал этишнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Хусусан ҳар бир туман ҳокимлиги, корхоналар ва муассасалари раҳбарларига текшириш чоғида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни тугатиб, тартибга солиш юзасидан топшириқлар берилди. Бу ишларни амалга ошириш жадваллари ва молиявий сметалари ҳам тузилди. Булардан кўзда тутилган мақсад республикамиз пойтахтининг санитария ҳолатини янада яхшилаш, куз-қиш даврида шаҳарда меъёрдаги фаолиятни таъминлашдан иборат.

Кенгашда Бош вазир ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов иштирок этди.

**(ЎзА)**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 8 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/***

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 61,62 | 1 Канада доллари | 68,47 | 1 Швеция кронаси | 13,18 |
| 1 Австрия шиллинги | 8,57 | 1 Хитой юани | 12,56 | 1 Швейцария франки | 73,39 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 173,52 | 1 Қувайт динори | 342,11 | 1 ЭКЮ | 118,45 |
| 10 Бельгия франки | 29,21 | 100 Ливан фунти | 6,86 | 10 Жанубий Корея воии | 0,78 |
| 1 Голландия гульдени | 53,45 | 1 Малайзия ринггити | 27,37 | 10 Япония иенаси | 7,88 |
| 10 Греция драхмаси | 3,50 | 1 Германия маркаси | 60,32 | 1 Россия рубли | 7,73 |
| 1 Дания кронаси | 15,83 | 1 Норвегия кронаси | 13,58 | 1 Украина гривнаси | 46,22 |
| 1 БАА дирҳами | 28,32 | 1 Польша злотийси | 28,38 | 1000 Беларусь рубли | 2,06 |
| 1 АҚШ доллари | 104,00 | 10 Португалия эскудоси | 5,90 | 1 Латвия лати | 175,49 |
| 1 Миср фунти | 30,45 | 1 Сингапур доллари | 59,89 | 1 Литва лити | 26,00 |
| 1 Ирландия фунти | 150,85 | 1 СДР | 140,69 | 1 Молдава лейи | 21,70 |
| 1 Исландия кронаси | 1,47 | 1000 Туркия лираси | 0,38 | 1 Қирғизистон соми | 5,05 |
| 10 Испания песети | 7,09 | 1 Финляндия маркаси | 19,83 | | |
| 100 Италия лираси | 6,10 | 1 Франция франки | 17,94 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# "ЯНГИЧА ЯШАЙЛИК ВА ЎҚИЙЛИК"

***Шундай шиор остида Тошкентда республиканинг барча олий ўқув юртларидан аълочи талабалар ва аспирантларнинг янги ўқув йили бошланишига бағишланган учрашуви бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XII сессиясидаги маърузасида жамиятимиз олдига қўйган вазифалар муҳокама қилинди. Учрашувда республика вазирликлари, идоралари, корпорациялари раҳбарлари, мамлакат олий таълим тизимининг вакиллари иштирок этди.***

Учрашувни олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов очди.

Бизнинг давримиз, дейилди учрашувда, - миллатнинг тарихий тикланиш даври, янги жамият қуриш давридир, шу жараёнда асосий инвестициялар инсон билимлари, маданияти, маънавиятини оширишга қаратилган. Президент Ислом Каримов парламентнинг сўнгги сессиясида қилган маърузасида диққат-эътиборни таълим тизимини ислоҳ қилиш демократик ўзгаришлар йўлидан собитқадамлик билан олға боришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши лозимлигига қаратди. Таълим ва тарбия тизимини ўзгартирмай туриб одамлар онгини ўзгартириш, демак турмуш тарзида туб ўзгаришларни амалга ошириш мумкин эмас.

Учрашув иштирокчилари ёш авлодни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш мамлакат раҳбарияти ўтказаётган сиёсатнинг устувор йўналиши эканини таъкидладилар. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг амалга оширлиши бутун таълим жараёнини тубдан ўзгартиришни, уни миллий тажрибамизни ҳисобга олган ҳолда жаҳон андозаларига яқинлаштиришни кўзда тутади. Талабалар олаётган билимлари учун фақат педагог эмас, талабанинг ҳам масъулияти ортади. Бўлажак мутахассис ўз соҳасининг билимдони, ҳар томонлама маълумотли, ҳаётда ташаббускор, бозор шароитида яшай ва ишлай оладиган инсон бўлиши керак. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ишида фаол иштирок этувчи ёшларни тарбиялаш ҳозирги вақтда энг долзарб вазифалардан биридир.

Чунки ватанимизнинг келажаги, унинг иқтисодий ва маънавий равнақи пировард натижада ҳозирги талабалар ва аспирантлар Ўзбекистон етти йил муқаддам қўлга киритган мустақилликни мустаҳкамлашни мақсад қилиб қўйган ҳақиқий ватанпарварлар бўлиб етишишларига боғлиқ.

Учрашув иштирокчилари Ўзбекистон Президентига мурожаатнома қабул қилдилар. Улар давлат бошлиғига халқимизнинг асрий орзусини амалга оширишга - мамлакатимизда иқтисодий жиҳатдан кучли ва эркин демократик жамият қуришга бутун ёшлик ғайрат-шижоати ва билимларини сарфлашга ваъда бердилар.

Учрашувда республика олий ўқув юртларининг алоҳида намуна кўрсатган талабалари ва аспирантлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мукофотлари билан тақдирланди.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Қишлоқ хўжалик корхоналари санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисни республика Бош вазирининг ўринбосари, шу комиссия раиси Б.Ҳамидов бошқарди. Унда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, банкларнинг, тегишли вилоят комиссияларининг раҳбарлари ҳамда зарар келтирувчи хўжаликларга бириктириб қўйилган масъул ходимлар иштирок этди.

Мажлисда диққат-эътибор қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва 1998 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича унинг барқарор ривожланишини таъминлаш вазифаларига мувофиқ давлат шафелигида ўтказилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари санациясининг ғоят муҳимлигига қаратилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 январдаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" ва 1998 йил 7 февралдаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари Қорақалпоғистон Республикасида ва ҳар бир вилоятда қандай бажарилаётгани муфассал кўриб чиқилди.

Комиссия Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ санация қилиниши лозим бўлган зарар келтирувчи 104 хўжаликнинг молиявий аҳволини чуқур таҳлил қилди.

Мажлисда молиявий ресурслардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари танқидий таҳлил этилди.

Комиссия мажлисида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва ғаллани ўз вақтида экишга тайёргарлик тадбирлари қандай бажарилаётганига катта эътибор берилди. Шу билан бир вақтда Ҳукумат комиссиясидан тайинланган барча масъул ходимлар ва санация қилинаётган корхоналарнинг ташқи бошқарувчилари ажратилган маблағдан юқори самара билан фойдаланиш ва ҳосилни йиғиштириб олишда қишлоқ хўжалик техникасининг кенг қўлланишига алоҳида эътибор беришлари зарурлиги таъкидланди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли ташкилотларнинг раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди, вилоят комиссияларига эса санация қилинаётган ҳар бир хўжаликни молиявий жиҳатдан тиклаш юзасидан қабул қилинган дастурни амалга ошириш ишларини кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

**(ЎзА)**

**«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида**

## СУВСИЗЛИКДАН ҚИЙНАЛЯПМИЗ

Ҳаммамиз оилали, 6-7 нафардан фарзандимиз бор. «Беш қаҳрамон» ҳиссадорлик жамияти 3-участкасида қарийб 30 йилдан буён яшаб келмоқдамиз. Мана 4 йил бўляптики, томорқани суғориш учун ҳам, ичиш учун ҳам сув келмай қолди. 50 хўжалик қийин аҳволда қолдик. Жамоа хўжалиги раҳбари бизга мадад бериш ўрнига сувни ўтказмай қўйди. Туман раҳбарлари бу аҳволдан хабардор, лекин нима учундир чора кўрмаяптилар. Шу масалада бизга ёрдам берсангизлар.

**Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги «Беш қаҳрамон» ҳиссадорлик жамиятидан Қ. Мирзаев, Х. Чаранов, Т. Ҳимматов ва бошқалар.**

## ҲОКИМИЯТ НАЗОРАТИГА ОЛИНДИ

**«Халқ сўзи» газетаси таҳририяти номига ёзилган ушбу ариза атрофлича ўрганиб чиқилди. 50 хўжаликнинг томорқасига сув етишмаслиги ҳақида фуқароларнинг талабларига асосан аризада кўрсатилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди. Мазкур ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг томорқаларига сув етказиб бериш учун барча шароитлар яратилди. Ҳозирда ҳудудга керакли ҳажмда сув етказиб берилмоқда.**

**Бу масала йил давомида назорат қилиб борилади.**

**Н. ЧОРИЕВ,**
**Қумқўрғон туман ҳокими.**

